



“Етук кадрлар тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсак, албатта натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуғ аллома ва публицист Махмудхўжа Бехбудийнинг миллий журналистика мактаби, айниқса, муҳим аҳамиятга эга”.

(Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикдан).

СИНФДАН ТАШҚАРИДАГИ ДУНЁ



Корея ўқув дастуридан ўрин олган барча материаллар, айти пайтда, электрон кўри-нишга ўтказилган. Дарсликлардаги маълумотлар китоб саҳифалари ўрнига, “Смарт таълим” дастури бўйича, экранларда акс этади. Ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган, барча мактабларда симсиз тармоқлар жорий этилди. Бу эса ўқувчи-талабаларга “ҳамма вақт ва ҳамма жойда” билим олиш имконини яратди.

⇒ 2-бет

ТОШҚЎРҒОН ТИЛСИМИ



Маълумотларда баён этилган ёш Темурбек болалик ва ўсмирлик йилларини тоғларда ов қилиб, чўпонлар ва оддий одамлар даврасида ўтказган қабилдаги маълумотларнинг аниқ тасдиғи — Амир Темур горидир. Бу жой азалдан ҳам шундай номланган.

⇒ 5-бет

ТАШАККУР, СЕНГА БУЮК ХАЛҚ!



Ўзбеклар — жуда қадимий, буюк ва донишманд халқ. Қачонки, ўзбеклар саломлашаётганда қўлини кўксига қўяр экан, бу фақат расмий қоида эмас. Бунинг моҳиятида меҳмонни, инсонни, ёши катталарни қадрлаш, эъзозлаш, улуғлаш белгиси мужжасам.

⇒ 8-бет



UYDA QOLING!

Пандемия

огоҳлик талаб этади

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, коронавирус пандемиясидан зарарланганлар сони 10459 нафарга етган, шундан 6690 нафар бемор соғайган.

Кунлик ўсиш 2020 йил 6 июль кун 342 тага етган, яъни рекорд натижа қайд этилгани айтилмоқда. Касалга чалинганларнинг 204 нафари карантин муассасаларида, 116 ҳолат аҳоли орасида аниқланган. Халқаро юк ташувчи машина ҳайдовчилари бўлган 22 кишига ҳам вирусдан зарарланиш ташхиси қўйилгани маълум бўлди.

Касаллик авж ола бошлаган Тошкент шаҳри, Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида назорат яна кучайтирилди.

Коронавирус пандемияси кўпайишига сабаб, карантин чекловлари бирмунча юмшатиш, одамлар санитария-эпидемиология қоидаларига риоя қилмай қўйишгани бўлди. Унутмайлик, ҳали пандемия ҳеч бир мамлакатни тарк этгани йўқ, шу жумладан юртимизни ҳам.

Шундай экан, аввало, шифокорлар тавсия этаётганидек, гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиб, ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилиш орқали оила аъзоларимизни, яқин-атрофдаги яқинларимизни бу балодан асрашимиз мумкин. Яна бир гап, коронавирус оғир кечаётган беморларнинг ёки вафот этганларнинг кўпчилиги шифокорга кенг муурожаат этишган.

Ўзинида касаллик аломатларини сезсангиз дарров шифокорга муурожаат қилинг. Соғлигимиз, энг аввало, ўзимиз учун керак-ку!

Ўз мухбиримиз.

ТАНЛОВ

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ, ЭЪТИРОМ!

Сийлов, эътибор, эътироф ҳамиша ҳам ўз эгасини топавермайди ёки топгунича анча-мунча сўқмоқлар босиб ўтилади. Нима бўлганда ҳам муносиблик, мутаносиблик деган ўлчамлардан қаралганда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан онлайн тарзда ўтказилган “Йилнинг энг фаол журналисти” анъанавий танлови қалам аҳлини қалқитгани рост.

Биз журналисти эъзозлар эканмиз, унинг тимсолида Ҳақиқатга, Жасоратга бош эгамиз. Одам баъзан ўз ташвишларини кўтара олмай қолган бир пайтда ўзидан ортиб, халқнинг, миллатнинг ғаму қайғуси билан яшаётган журналистларга “Баракалла!” деганингизни билмай қоласиз.



Маълумки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш, ислохотлар жараёнидаги иштирокини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан онлайн тарзда “Йилнинг энг фаол журналисти” анъанавий республика босқичини ижодий танловини ўтказган эди.

Ўзбекистон ижодкорларини кўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди томонидан молиялаштирилган ушбу тан-

лов голибларига коронавирус пандемияси хавфи ҳали тарқалмаганлиги ҳисобга олиниб, санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси биносига мукофотлар топширилди.

Мукофотларни Уюшма раиси Саъдулла Ҳакимов топширар экан:


— Сунгги йилларда давлатимиз томонидан юртимизда миллий журналистика соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, касбий салоҳиятини юксалтириш масаласига

устувор вазифа сифатида аҳамият қаратилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг янада эркин, самарали ижод қилиши, халқимиз учун долзарб бўлган мавзуларни дадил кўтариб чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани, — деди.

Президентимиз журналистларнинг касб байрами муносабати билан йўллаган табригида: “Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қўраётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур.



АСР ИХТИРОЛАРИ



ЕР ЮЗИНИНГ ЙИРТИЛМАС КИТОБИ

“Google” деган йиртилмас китоб Ҳар дақиқа 2 миллион қидирувчи “Емон бўлма”нинг яхшиликлари Дунёнинг 191 тилида тиллашиб... Даҳолар фақат ўтган замонда яшамайди

Бугунги кунда “Google” ҳар биримизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келган. Негаки, ҳар кун шу тармоқ орқали нимадир қидира-миз, излаймиз ва янги-янги маълумотларга эга бўламиз. Аслида “Google” асосчилари бир кун келиб ўзлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ҳам шу тармоқдан топиб билишимизни орзу қилган бўлса, ажаб эмас. Дунёнинг хоҳлаган бир бурчагида ўтириб бошқа бир дунёдаги янгиликлардан хабар топамиз, одамнинг исми шарифи ёзилса борми, улар ҳақида ўзимиз сурамаган маълумотларга ҳам эга бўламиз. Бунда афсонавий интернет “разведкачи”миз — “Google” ҳар биримизга садоқат билан хиз-

мат қилади. Биз ҳар кун уйда, кўчада, ишда у билан бирга вақт ўтказамиз. Энг қизиғи у топиб берган маълумот ва китоблар ичида энг кўнгличоридан тортиб, муқаммалигача бор. Айти пайтда “Google” да ҳар дақиқада 2 миллион қидирувчи амалга ошириш мумкин. “Google” энг кўп одам ташриф буюрадиган тармоқ бўлиб, феисбукдан кейин иккинчи ўринда туради. “Google” га тегишли бўлган “YouTube” канали эса учинчи ўринни эгаллайди. “YouTube” да ҳар кун 450 минг одам видео томоша қилади. Мана сизга “Google” ва “YouTube” деган улкан йиртилмас КИТОБнинг умуминсоният олдидаги бемисл хизматлари...



МОЗИЙ

МИЛЛАТ ҚАЛБИГА ОЙНА ТУТИБ...

Махмудхўжа Бехбудий ўз даврида замондошлари томонидан Туркистон жадидларининг улуғи, ўзбек драматургияси ва публицистикасининг асосчиси, деган таърифларга сазовор бўлган. Мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўша пайтдаёқ тарихга онд маълумот ёзиб борилган. Бизни хайратлантиргани, бехбудийшунослик адибнинг қабри совумай туриб, бошланганида эди.



Махмудхўжа Бехбудий нафақат маърифатпарвар инсон, балки элни озодлик ҳавосидан нафас олиш шуқухидан вокиф этган, унинг мустақил ҳаёт кечиришини ич-ичидан орзу этган ва шу йўлда жонини қурбон қилган миллатимиз ўғлонидир.

ШУНДАЙ ДЕДИ



Ўзбекистон бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, Азиз АБДУҲАКИМОВ:

Пандемия сабабли аҳолимизда чет элга чиқиш имконияти йўқ. 2019 йилда 606 минг нафар ўзбекистонлик дам олиш мақсадида турли хорижий давлатларга боришган ва ўзлари борган мамлакатларда жами 1,5 млрд. доллар атрофида харажат қилишган. Бу йил четага чиқишнинг имкони бўлмагани учун Ўзбекистоннинг ўзида ҳордиқ чиқаришларига тўғри келади.

ЭЪТИБОР

Журналистнинг қалби ёниб турсин

Республикамиз матбуоти соҳасида узоқ йиллар ишлаган, бугунги кунда нафақада бўлган фахрий журналистларни қўлаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, умрнинг залворли доволанини, қалб кўрини матбуотга бахшида этган устозларимиз ҳаммаша эъзозга лойиқдир.

27 — июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида узоқ йиллар давомида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ривожига беминнат хизмат қилган, бугунги кунда ҳурмат-эътиборда бўлиб келаётган нуруний-фахрийларимиз ҳолидан хабар олинди.

сида вилоятда истиқомат қилаётган, узоқ йиллар журналистикага хизмат қилган фахрийларимиз хонадонларида бўлишди.

— Ҳар гал шогирдларим келганида қувониб кетаман. Ёшларга чиндан ҳавасим келади. Улар икки-уч, ҳатто ундан ортқ тилларда раво сўзлаша олишади. Замонавий технологияларни ҳам биздан кўра яхши билишади. Улардаги жўшқинлик, касбига бўлган иштиёқ қўлимга қалам олишга, яна ижод қилишга етаклайди. — дейди сурхондарёлик фахрий журналист Усмонали Норматов. Шогирдлар камолани кўриш,



Набижон РАХИМОВ.

ҲАМКАСБЛАР

Камтар одамнинг камоли

Ҳамкасбларим орасида дўсту қадрдонларим, танишларим бисёр. Лекин Урол Санакулов уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди.

1984 йил эди. Навоий вилоят "Билим" жамияти ходими, ижодкор йигит мен ишлаётган вилоят радиозинтириш кўмитасига келиб турарди. Кўмита расиси, машхур халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг невараси, тажрибали публицист ва шоир Шукр Нурбоев унинг ҳурмати урғига кўяр, унга "шоир", дея муражаат қиларди. Кейин билсам, бу камтар йигит, анчайин илмли, зукко шоир экан.



айтолмаган ўтли оҳим", "Буёғига уйғоқ бўл, эй она халқим", "Азиз ота макон, онажон ватан", "Сир айтма ётга, болам", "Манкуртнинг ўлими", "Сайлов ҳақида баллада" каби шеър ва достонлари кишини бефарқ қолдирмайди. Уларни мутолаа қилиш эса ўқувчини уйғоқликка, эл-юрт, ватан тақдири учун ҳушёрликка чорлайди.

Вақтнинг ўтишини қарангки, қаҳрамонимиз бугун 60 ёшга тўлибди. Аммо навқирон келба-тига қараб табарруқ ёшда эканига ишонгани келмайди. Самимий киши, дилида яхшилик, зағулик яшайдиган инсон ҳамиша ёш кўринади, яшариб юради дейишгани рости. Урол ака, элимиз-юртимиз хизматдасиз, сира чарчаман!

Олим ХҲЖАЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

КАСБГА МЕХР

ТАНГАНИНГ "УЧИНЧИ" ТОМОНИ

Шоира Ражабова, журналист, "Ўзбекистон 24" телерадиоканали катта муҳаррири, халқ депутатлари Пскент туман Кенгаши депутати:

— Кўпинча одамлар касбни биз танлаймиз, дейишади, менимча, касб ҳам одам танлайди. Қайсидир касб сизни қабул қилади, қайсидир касбга ҳеч қовушолмай юрасиз. Шукри, радио мени қабул қилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетида ўқиб юрган чоғимдаёқ, радиого ишга олишганди. Мана, 20 йилки, Пскентдан Тошкентга қатнаб, "Ўзбекистон 24" телерадиоканалида ишлайман. Ҳаётим давомида минглаб юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг дарду ташвиши, хурсандчилигига шерик бўлганман.

сёр Шаҳноза Дўстмухаммедова билан ҳамкорликда ишляпмиз. Ушбу лойиҳа ортдан 2018 йилда "Йилнинг энг фаол журналисти" бўлдим. "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловларида тақдирландим. Бугунги журналистикадаги очкилик, ошқоралик, ўз сўзини айта олиш бизнинг катта ютуғимиз. Аммо соҳага энди кириб келаётган баъзи ёшлар журналистикани айрим блогерларнинг ижтимоий тармоқлардаги филтрланмаган ахборотлари билан чалқаштириб қўяпти. Шуниси ташвишланарли, холос. Улар ўзбекининг шаънига мос бўлмаган, эртага изига тушиши тайин бўлган оилавий масалаларни ҳам байроқ қилиб олиб чиқишга ҳаракат қилишапти. Бизнинг даврдаги ёшлар бир кичкина хабарни қоралаб, минг ҳадик ва истиҳола билан таҳририятга олиб келарди. Матнда битта хато чиқса, қизариб кетарди. Ҳозир-чи, айрим ўзини журналист деб атаётган блогерлар тузган мати-



нинг ўзи гиж-гиж хато. Бундан уялиш ўрнига, гердайишгани ортқча. Журналистикада устоз-шогирд аънанасини яна тиклаш пайти келди. Албатта, айрим ёшларни кўриб, ҳавасимиз келади. Улардаги тезкорлик, қатъият, шиддат ва замондан-да илдамлашга ҳаракат қилишади. Бугуннинг журналисти бир кун ўз устида ишламаса, изланмаса, тенгқур ҳамкасбидан ортда қолиб кетиши тайин. Журналист "танганин учинчи томони"га ҳам аҳамият бериши керак. Қачонки, унинг меҳнатидан одамлар ўз дарди ва муаммоларига ечим топа олади.

ЕР ЮЗИНИНГ ЙИРТИЛМАС КИТОБИ

"Google" 1996 йил январда ўша пайтда Калифорниядаги Стэнфорд университетиде ўйетган Ларри Пейж ва Сергей Бриннинг тадқиқот лойиҳаси сифатида пайдо бўлган. Анъанавий қидирув тизимлари кейинчалик қидирув натижаларини саҳифада қидириш сўзлари неча марта айтилганига қараб саралашганига қарамай, Пейж ва Брин сайтлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қиладиган энг яхши тизим тўғрисида ўйлаб кўришди.

1995 йилда Ларри Пейж Стэнфорд университетига аспирантурага топшириш учун келади. Ана шу пайтда аллақачон аспирантурада бакалаврлик даражасига эришган Сергей Брин талабалар билан амалий машғулот олиб боради. Илк лаҳзаларданқ Пейж Бринни ёқтирмайди. Фикрлари ҳар хил чиқанлиги сабаб улар тез-тез тортишиб қоладилар.

"Google"нинг илк сармоядорларидан биридир. Компания асосчилари уни оғир вазиятларга тушганларида бир неча бор сотмоқчи бўлишади. Бироқ "Google" ҳар гал сотилмай қолган ва ўз эгаларини дунёнинг энг саховатпеша миллиардерларига айланган.

Ларри Пейж ва Сергей Брин "Google"ни яратар экан уни дастлаб "BackRub" деб атайдилар, икки йилдан кейингина бу ихтиро "Google" номи олади. "Google"нинг ҳамма қидирув тизимлари бошида 4 гигабайтлик қаттиқ дискларда сақланган.




Ларри Пейж ва Сергей Брин "Google"ни яратган шахслар.

1999 йилда Пейж ва Брин "Google"нинг қидирув тизимини ўз тадқиқот фаолиятларига халақит бераётгани учун сотмоқчи бўлишади. Уша пайтда қидирув тизимини сотиб олмақчи бўлган "Excite" компанияси 1 миллион АҚШ долларини қиммат кўради ва сотиб олиш фикридан воз кечади. Бугунги кунда эса ушбу тизимнинг қиймати 500 миллиард долларга тенг туради.

Талабалик йилларида ўз гаражини иккита талаба — Ларри Пейж ва Сергей Бринга сотган Сьюзан Войжитски бугун YouTube каналининг бошқарувчиларидан биридир. Компаниянинг корпаратив шiori — "Ёмон бўлма!" ("Don't be evil"). Ушбу ибора тасодифан танланмаган. Чунки "Google" ҳар қандай вазиятда компанияда тинчлик ва осойишталик бўлишини, низоладан қочишни хоҳлайди, бирлик ва хотиржамликни ёқлайди. Компанияда 72 мингдан ортқ одам меҳнат қилади.

Дастлаб, "Google" Стэнфорд университети сайтыда ишлади ва "google.stanford.edu" доменига эга эди. "Google" учун биринчи маблағ 1998 йил август ойида компанияни рўйхат-

дан ўтказмасдан тушди. "Google"нинг биринчи оммавий савдоси 2004 йил 19 августда бўлиб ўтди. Компания бир акция учун 85 долларга баҳоланган. 2014 йил 12 февралда компаниянинг капиталлашуви 400 миллиард долларга етди. 2001 йилдан "Google" жуда кўплаб кичик корхоналарни сотиб ола бошлади. "Google" You Тубенинг видео хостингларини 1,65 миллиард долларга сотиб олди. "Google"га асос солингандан сўнг 2001 йилдан бошлаб Эрик



Шмидт, 2011 йилдан эса Ларри Пейж бошқарган. 2010 йилги ҳолатига кўра компаниянинг 91 фоиз акцияси Ларри Пейж, Сергей Брин ва Эрик Шмидтга тегишли бўлган.

"Google" қидирув тизими дунё бозориде 60 фоиз ўринни эгаллайди. Ҳар кун бу тизимда 50 миллион қидирув талаблари амалга оширилади. "Google" ўз маълумотларини 191 тилда тақдим этади. 2007 йилдан бошлаб, "Google" ўзининг савол ва жавоблар хизматини янгилади. Россия дунёда биринчилардан худди шу хизматнинг "Google" версиясини яратди. 2010 йилда "Google" Википедияни қўлаб-қувватлаш учун 2 миллион доллар маблағ сарфлади. Ушбу пуллар эксплуатация чиқимлари, инвестиция ва энциклопедияни қўлаб-қувватлаш учун йўналтирилди. Бугунги кунда Википедияни қўлаб-қувватлаш 7,5 миллион доллар маблағ харжланади.

Пейж "Tesla Motors"нинг сармоядорларидан бири.

Сергей Михайлович Брин 1973 йилда Москва шаҳрида математик олим оиласида дунёга келган. Унинг бобоси Израил Абрамович Брин Москва Энергетика институтининг доценти бўлган. Сергей опти яшарлигида ота-онаси бутунлай АҚШга кўчиб келишади. Мактаб йилларида унга тугма ўтган математикага қизиқиш илми ҳар нарсадан устун келади.

1993 йилда Калифорниядаги Стэнфорд университетиде магистрлик ишини ҳимоя қилади. 2007 йилда у Энн Вождиқига уйланади. Уларнинг бир ўғил ва бир қизи бор.

Ҳали энди 23 ёшни қаршилаган йигитларнинг ўзи яшаб турган замонда даҳо ихтирочиға айланиши, юракларни қалқитади. Негаки биз ихтирочи-даҳолар ҳақида фикрлаганда уларни ўтган замонларда тасаввур қилишга одатланганмиз. Аслида XXI аср ихтирочилари сизу бизнинг ёнимизда юришибди. Иш столимиздаги битта тугмача бутун дунёни олди-мизда — "Очил дастурхон" каби очиб кўяди. Ҳали энди айнан сизу менин ёшимда дунёни лол қолдирадиган, яхши-ю ёмоннинг истагини бирдек рўёбга чиқарадиган "Google"ни асосчилари Ларри Пейж ва Сергей Брин номи уларни жуда ёшлигидан шухрат қоясига олиб чиқиб кўйди. Бутун дунё қаршида "Google" қидирув академияси яратилди, у бугун битта тугмача билан ҳар биримизнинг истагимизни муҳайё қилади.

Гўзал БЕГИМ тайёрлади.

БУГУННИНГ НАФАСИ

Жиззахнинг таркибий қисми ўзига хос мавқега эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг марказида жойлашган. Бундан ташқари, ҳудуднинг тарихий кечинмалари эрамиздан аввалги асрларга бориб тақалади. Шунингдек, вилоят мамлакат миқёсида улкан сивсий-иқтисодий, маънавий аҳамият касб этади, юртимизда содир бўлган муҳим тарихий воқеалар ҳеч замонда Жиззахни четлаб ўтмаган.

Вилоятдаги бугунги давр замон талаблари асосида иш таъжип этилаётган, ислохотлар рўйи акс-садо бераётган ҳудудлардан бири бу — шубҳасиз Шароф Рашидов туманидир.

Элимизнинг машҳур давлат ва жамоат арбоби, улғу адиби номи билан аталган туманда бўлиб, бу ердаги ёруғ ўзгаришлар хусусида мухтасар сўз юритишни лозим топдик. Туман майдони — 1,32 минг кв.км. ташкил этади. Шунингдек, чегара узунлиги 181,0 км.дан иборат. Аҳолиси — 221,7 минг киши, фуқаролар йиғинлари сони эса — 48 та бўлиб, 33 338 хонадон истиқомат қилади.

Туман иқтисодиёти мева-сабзавот, чорвачилик, боғдорчилик, өнгил саноат соҳаларига ихтисослашган.

Маҳмуд ХОЛБУТАЕВ,
Шароф Рашидов тумани ҳоқими:

— Биз Янги Ўзбекистонни бунёд этишда туманимизнинг ҳам ўз ўрни, улуши бўлсин деймиз. Мамлакат бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётти. Ўзгаришларни кўриб, бундан беш-олти йил олдин ватанимизга келган меҳмон яна ташриф буюрса юртимизни танимай қолиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, Шароф Рашидов тумани аҳли ҳам бор имкониятлардан фойдаланиб, туман ҳудудида янги-янги иншоотлар барпо этмоқда, аҳолининг янги-янги яшашига барча шароитлар яратилаётти. Мамлакатимиз ривожланган

ОБОД ВА ФАРОВОН МАНЗИЛЛАР

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги ёруғ ўзгаришлар, изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда



давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишга интилоқда. Гарчи, ҳозирги пандемия дунё харитасини тарқ этгиси келмаётган бўлса-да, улкан ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорлик ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Халқимиз метин иродали, сабр-бардошли, бу коронавирусни ҳам биргаликда, албатта, енгамиз.

ХАЛҚ ҚАБУЛИ — ҲАҚИҚАТ ҚАБУЛИ

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги Бош вазир қабулхонаси томонидан тадбиркорлар, шу жумладан, чет эллик инвесторларни қабул қилиш, сайёр қабул қилиш, ишчи гуруҳлар билан бирга муурожаатларини кўриб чиқиш, қонуний талабларини жойида ҳал этиш, ҳал этилмаган муурожаатларни ваколатли органларга юбориш ва ижросини назоратга олиш, барча маълумотларни ягона интерактив порталга киритиб бориш борасидаги асосий вазифалар амалга оширилиб келинмоқда.

Қабулхонага тадбиркорлардан 597 та, сайёр қабулларда 132 та, Call-марказ орқали 75 та, «business.gov.uz» портали орқали 12 та ва бошқа жами 597 та муурожаат қабул

фоизи ер ажратиш ва бошқа масалаларда муурожаат қилишган.

СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Давлатимиз томонидан мамлакатда аҳолининг камбағаллашган қатламини ўрганиш ва керакли чораларни кўриб, турмуш фаровонлигига эришиш йўлида олиб бораётган савий-ҳаракатларига ҳамроҳанг тарзда Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани 3-сектор мутасаддилари ҳам амалий ишларни бошлаб юборишди. 3-секторга қарашли бўлган 14 маҳалла фуқаролар йиғинида 9454 хонадон бўлиб, жами 13,924 та оилада 59,242 нафар аҳоли истиқомат қилади.

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати дастури доирасида аниқланган эҳтиёжман оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини доимий ва мавсумий ишга жойлаштириш ҳамда боқувчиларини йўқотган оилаларга моддий кўмак кўрсатиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шу кунгача 1323 нафар фуқаронинг 901 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, боқувчиларини йўқотган 43 нафар, ногиронлиги бор 49 нафар ва бошқа



қилиниб, ижрога олинган. Қабул қилинган муурожаатларда кўтарилган масалаларнинг 588 тасини, яъни 98,4 фоизини ўрганиб чиқиши таъминланди, уларнинг 380 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, 215 тасига масала ечими тушунтирилди ва 2 таси рад қилинган.

Муурожаатларнинг асосий қисми давлат томонидан кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, томорқа ҳўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган кредитлардан фойдаланишни ташкил этиш, 54

тоифаларга кирувчилар 73 нафар оилага озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди ҳамда моддий ёрдам кўрсатилди.

Тумандаги вазиятни барқарорлаштириш, коронавирус пандемиясини бартараф қилиш мақсадида 356 нафар фуқаро карантинга олинган эди. Шундан 236 нафари касаллик аломатлари йўқлиги сабабли карантиндан чиқарилди, 2 нафариди касаллик аломатлари борлиги аниқланиб, ишфохонада даволанган тузалиб оиласи бағрига қайтди.



Туман ҳудудида карантин қоидаларини бузган 441 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган. «Қаҳрамон» МФЙда яшовчи 1 нафар фуқаро коронавирус юзасидан ёлгон, уйдирма маълумотларни тарқатганилиги сабабли, унга нисбатан ЖКнинг 257-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб жавобгарликка тортилган.

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАСИ ЭЪТИБОРДА

Тумандаги Агроекономика мажмуи ҳодимлари касба уюшмаси кенгаши томонидан ишлаб

натилган бўлиб, эскирган, қисқа туташуви, носозлари қайта таъмирдан чиқарилган.

Мазкур йилда туман ҳудудидаги 16 та ички ҳўжалик йўлларининг жами 4,2 км. оралиғида машина қатнови учун сошлаш режа-лаштирилган бўлиб, шундан, 1,5 км.га асфальт ётқизилган бўлса, 2,7 км. қисми тўла таъмирланган. Бундан ташқари, ҳудуддаги кўчаларнинг 636 км. қисмидаги йўлларни сошлаш ишлари давом этмоқда.

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

Жиззах вилоят ҳўқимининг 2019 йил 6 августдаги қарори билан Шароф Рашидов тумани, «Тошкентлик» МФЙ ҳудудидаги Саноат ва сервис касб-ҳўнар коллежи негизда хорижий (инглиз, немис, француз) тилларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ташкил этилди.

Жойларда Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунини белгиланганидек, меҳнат бехатарлигини таъминлаш мақсадида ажратилган маблағ аниқ йўналишга қаратилгани, жамоа шартномасида кўрсатилган миқдорда ажрати-

лиши хусусида ташкилий ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, «Миллий армия» миқдорида қалбиди садоқат, жасорат, матонат туйғуларини мустаҳкамловчи ҳаёт мактабидир», «Ватанини ҳимоя қилиш — шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурч», «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» мавзуларида маънавий соғди мунтазам ўтказиб келинмоқда.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга етарли даражада таълим-тарбия бериш мақсадида мактаб жамоасининг дарс жараёнларига муносабати ўрганиб чиқилган ва эришилган ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиши натижасида туман ҳўқими ташаббуси билан ўтказилган «Ал-Хоразмий», «Ал-Беруний», «Ибн Сино» йўналишидаги фан олимпиадаларида ўқувчилар фахрли 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллади.

Шунингдек, истиқболли умумтаълим мактабининг йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу йўл харитаси таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнини ташкил этиш, моддий-техник таъминоти мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш, педагог ҳодимларнинг салоҳиятини юксалтириш, бюджетдан ташқари маблағлар ва ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш йўналишларини ўз ичига олади.

АҲОЛИ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Шароф Рашидов туманидаги мавжуд тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган 120 нафар шифокор, шундан 75 нафари олий тоифали, 800 нафар ҳамшира, улардан 264 нафари олий тоифали мутахассислар, 220 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда «Тез ёрдам» хизмати моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш борасида жўяли ишлар амалга оширилди. Қўшимча тез тиббий ёрдам мах-



ЭЛ ХИРМОНИ ТУКИН БЎЛСИН

Туманда галла ҳўсилининг чўғи баланд Жорий йил 12 минг 300 гектар ер майдонига барака уруғи қадалиб, шундан лалми ер майдони 5 минг гектар эди. Бу йил табиат инжиқликларини фермер ҳўжаликлари фаолиятига сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди. Аммо тадбиркор деҳқон ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир бўлсагина кўзланган мақсадида эришади. Туман галлакорлари режадаги 36 минг 600 тонналик хирмонни ортиги билан удалашди.

Дала меҳнатиди фермерларга комбайн операторлари, юк ташувчи ҳайдовчилар билан биргаликда ички ишлар ҳодимлари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Оналик ва болалик саломатлигини муҳофаза қилиш борасида КТМП қошида аёллар маспахат-

Бир сўз билан айтганда, Шароф Рашидов туманида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Юртимиз аҳолиси, меҳмонларнинг Жиззах вилоят ҳудудлари ҳақида тасаввурулари мутлақ янгилаш касб этиши йўлида меҳнат қилинаётти.

Жўрват АЗИМОВ,
Шароф Рашидов тумани ҳўқимлиги Ахборот хизмати раҳбари,
Убайдулло ҲўЖАНИЕЗОВ,
«Hurriyat» мухбири.



